

## МАЪНОЛАР ҲАҚИДАГИ АСАР

*Саймуратова Ижобат Турсункуловна  
ГулДУ “Ўзбек адабиётшунослиги”  
кафедраси катта ўқитувчиси*

Бадиий ижоднинг муҳим назарий масалаларидан бири асар композициясидир. Бадиий асардаги шакл ва мазмун унсурларини ифодалаш, уларни маълум бир меъёрга ёки тартибга келтириш композициянинг асосий вазифаларидан бири саналади. “Зеро, ҳар бир унсур асар бутунлигида ўзининг функциясига эга, муайян ғоявий-бадиий юк ташийди. Асарда уларнинг ҳар бири ўз ўрнида, меъёрида ишлатилиши, бутун билан мустаҳкам алоқада бўладиган ва бу алоқалар англанадиган тарзда жойлаштирилиши муҳим” [3;180]. Адабиётшунос олим Тўхта Бобоевнинг мазкур қарашлари ҳам юқорида билдирилган фикрларни тўлалигича асослайди ва улар билан ҳамоҳанглиги жиҳатидан эътиборли: “Композиция (lot. compositio – тузиб чиқиш, тартибга солиш) – аниқ ғоявий-бадиий ният тақозосига кўра бадиий унсурларнинг асар тўқимасидан жой олиши, асар қисмлари, боблари ва эпизодларининг ўринлашиш тартиби, образларнинг бир тизимига уюшуви, уларнинг ўзаро муомала-муносабатларининг ифодаланиш тарзи, тасвир воситаларининг муайян мақсадга хизмат қилиши, тасвирда мувофиқлик ва меъёрдир” [1;16]. Бундан кўринадики, композиция бадиий асарнинг зарурий ва бирламчи ҳодисасидир. Сюжет ва унинг унсурларининг муайян мақсадда бир-бири билан бирикуви, жипслашуви, ўз ўрнида мослашуви асар структурасини тўлақонли ташкил этади.

Муайян асар бадиияти ҳақида сўз борганда, энг аввало, унинг композицион қурилмасига, ёзувчи бадиий маҳорати ҳақида сўз борганда эса композиция яратиш маҳорати ва услубига алоҳида аҳамият қаратилади. Замонавий ўзбек адабиётида ўзига хос композицион қурилмасига эга бўлган романлар орасида Исажон Султоннинг “Озод” романи алоҳида аҳамият касб этади. Асар мазмуни, шакли, ғояси, тили ва бадииятида янгича талқинлар кўзга ташланади. Роман бошидан охиригача рамзий ифодалар билан зийнатланган. Инсоннинг руҳий-маънавий олами ҳақида ҳикоя қилувчи бу асар ҳаётнинг энг долзарб, бироқ ҳар қадамда илғаб бўлмас нозик маъноларидан баҳс юритади. Роман сўзнинг қудрати, моҳияти, сеҳри ва жилваларига бағишланган бўлиб, унинг инсон ҳаётидаги ўрни, ҳаётнинг акси сўзда эканлиги ва айтилган сўзнинг дунёни ўзгартира олиш кучига эга эканлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Озод исмли бир ўсмир йигит тоғ чўққиларида ўсган бахт лоласини олиб келиш ва абадий ҳузур-ҳаловат рамзи бўлган ҳумо қушини топиш учун йўлга чиқади. Озоднинг манзилга етиб бориши эса олдиндан башорат қилинган. Бу йўлда у жуда кўп синовларни бошидан ўтказиб, ҳар бир тегирмон чархпалагидан айланаётганида ниманингдир аксини (ҳақиқий аксини) кўриш бахтига мушарраф бўлади. Барча акслар билан танишиб, энг муқаддас зот Инсон эканлигини англагач, бошқа унсурларга ҳам

муътабарлик мақомини беради. Ўз номига лойиқ бўлиб, камолот сари қадам ташлайди.

Асарнинг умумий сюжетини композицион қурилмасига кўра қуйидаги уч боб ташкил этади: “Биринч акс”, “Иккинчи акс”, “Учинчи акс”. Ҳар бир аксда асар қаҳрамонларини қайта-қайта учратамиз ва улар ўзликлари орқали англиб келаётган мазмун-моҳиятни тушуниб борамиз. Асардаги ҳар бир ҳикоя ўзига хос маъно қирраларини очишга хизмат қилади, бир сўз билан айтганда, “Озод” романини маънолар ҳақидаги ёки ўзликни англаш йўлидаги фалсафий-дидактик асар дейиш мумкин. Романда ўзбек миллатигагина хос бўлган қадриятлар, урф-одатлар ва тасаввуфий руҳдаги фикрлар, узоқ ва яқин ўтмишдаги аجدодларимизни ёд этиш, ҳаётнинг ўзи асл ҳикматдан иборатлиги ҳақида сўз боради. Ота-она ва фарзанд муносабати, отага тик боқмаслик, уни ҳурмат қилиш, онани эъзозлаш, ота-онанинг эса фарзанд учун нечоғлик жон куйдириши, ҳаттоки этагига олов сачраган аёл учун танасининг ёнаётганидан кўра йиғлаётган ўғлининг ҳолати кўрқинч эканлиги, нуридийдаси учун жонини ҳам бермоққа тайёр эканлиги ниҳоятда таъсирли тарзда ўз ифодасини топган. Ёзувчи таъбирича тевагаримиздаги дунё асли собит ва ўзгармас, унда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар аксланади, чунки инсон уларга қиймат беради. У қиймат берган нарса қадрли, қиймат бермагани қадрсиз. Шу аснода, йўлида учраган аксларни кўрган Озод тафаккурида турли хил фалсафий руҳдаги фикрлар жўш уради, бу фикрлар орқали унинг манзили ойдинлашиб, маънолар оламининг асл аксларини илғаб боради. “Лекин онангнинг иззати отангдан юз чандон улуғ демоқдалар-ку? Нима учундир, ҳар нарсанинг бошида ота бўлгани ҳолда, онага янаям зиёда иззат кўрсатиш талаб қилинмоқда-ку? Ҳа, ҳақиқатан ҳам ғалати чарх бу: болага “онангни иззат қил” дейилса, онага “эгангга бўйсун” дейилмоқда, ўғил эрта бир кун улғайиб, ўзи ота бўлгани маҳал, онасига кўрсатган иззат-эҳтиромининг ўз жуфтидан қайтганига шоҳид бўлса, қиз турмуш қурганида хўжасига кўрсатган эҳтиромининг аксини боласидан кўрмоқда...”[2;194].

Аслида мақсад фақат манзилга етишда эмас, балки мана шу масофа давомидаги маъноларнинг англиниши ва уни идрок қилинишида. Инсоннинг хузур-ҳаловатга, бахтга эришиши ҳам унинг маънавий руҳий камолотга етиши билан чамбарчас боғлиқ эканлиги асар замирида ифодаланади. Шу тариқа ёзувчи романда дунёнинг юксалиши беҳуда, инсоннинг руҳий юксалиши муҳим, деган ғояни илгари суради.

Турли мақсадларда ва турли хил йўсинда асарлар яратилаётган бугунги илғор адабий жараёнда роман ғояси энг долзарб масалалардан бири саналади. Илмий-назарий адабиётларда ғояга қуйидагича таъриф берилган: “Санъатнинг тасвир объекти устидан чиқарган “ҳукми” – унинг ғоясидир. Ғоя – санъат асарида қўйилган ва ёритилган масалалардан келиб чиқадиган мантикий хулоса” [1;102]. Шунга мувофиқ тарзда айтиш мумкинки, муаллиф томонидан танланган мавзу асар ғояси билан узвий боғлиқ бўлади. Ёзувчи роман сюжети учун ҳаётини ҳақиқатни асос қилиб олади ва унинг у ёки бу жиҳати ҳақидаги фикрларини китобхонга етказмоқчи бўлади. Шу фикрни асардаги образлар фаолиятига, қўйилган масалалар замирига сингдириб

юборади. Ўқувчи асар билан танишиб чикқач, воқеа-ҳодисалар талқинидан, характерлар мантиғидан ғояни топиб олади. Ғоя асар мазмунига қанчалик чуқур сингдирилган бўлса, унинг бадиий таъсирчанлиги, етуклиги, пухта ва пишиқлиги, эмоционаллиги шу қадар кучли бўлади. Ёзувчи Исажон Султон ҳам “Озод” романида илгари сураётган ғояни, инсон ўзини-ўзи англаш йўлидаги манзил, маъно ва мазмунни ўзига хос ифода йўсини орқали ноанъанавий тарзда китобхонга тақдим этади. Асар поэтикаси, хусусан, унинг сюжети, композицияси, шакли, мазмунини аниқлаш, асар тили ва ундаги бадиий тасвир воситаларининг қўлланилиши ёзувчи маҳоратидан далолат беради. Ижод жараёнидаги бундай ҳолат ёзувчи Исажон Султоннинг индивидуал услубга эга эканлигини кўрсатади. Зеро, услубнинг юзага келиши ижодкор шахсининг бадиий тафаккур типига боғлиқ.

Асардаги ҳар бир персонаж нутқи соф адабий тилда бўлиб, уларга куюқ ва ўзига хос маъно юкланган. Ҳар бир сўз ўз қийматига эга бўлгани ҳолда, асар ғояси, қаҳрамонлар характерини очишга хизмат қилади. “Ёзувчи ҳаётни характерлар ва манзаралар воситасида акс эттирар экан, жонли халқ тили бойликларидан ҳам, адабий тил нормаларидан ҳам кенг фойдаланади” [1;158]. Донишмандлик рамзи сифатида талқин этилган шамол образи нутқиға эътибор берсак, кўз олдимизда чинакам донишманд, улуғ сиймо гавдаланади: “Румузнинг остида ҳикмат бор, – деб жавоб берди шамол. – Сен ўша ҳикматнинг ҳам тубига боқ. Фитратингнинг пардалари остидаги яна бир парда очилса, тамомила бошқа ҳодисаларни кўра бошлайсан” [2;250]. Романда тасвирланган шамол образи бош қаҳрамон Озоднинг ҳамроҳ дўсти, ҳам устози, ҳам ровий, ҳам табиатнинг бетакрор кучидир. Озодни Учёнғоқдан Искандар тоғигача етиб бориш манзилида, юрар йўлида етакчилик қилади.

Асар муқаддимасида “Фалончи йўлга чиқиб, фалон манзилга борди” деган гап дарчаға ўхшайди, ундан боқсанг, ортида мен айтган нарсаларни кўра оласан. Дарча зоҳир, ортидагилар ботиндир...”[2;146]. дейилади. Ана шу дарча ортидаги ботиний рамзларни илғашға уринамиз. Шамолни юқорида донишмандлик рамзи деб эътироф этдик, асардаги аёллар, умумий ҳолда, кут-барака ва насл давом этишининг рамзи, яъжуж-маъжужлар – гуноҳ рамзи, мардудлар ва муртад – гуноҳкор, лола – бахт, хумо қуши – тўкинлик, отлар эса меҳр-оқибатнинг тимсоли сифатида ифодаланган. Озод қир этагидаги кўм-кўк майсаларға қарата “Ассалому алайкум, эй Аҳли Маъни” деганида ҳам аслида у майсаларға эмас, маъноларни илғаган, айтиб кетган ва ўзлари ҳам аллақачон маъноларға айланишға улгурган буюк даҳолар, чинакам истеъдод соҳибларини назарда тутайди.

Бунга асарнинг турфа ўринларидаги турли ишораларда ҳам гувоҳ бўламиз. “Баъзи кишилар билиб-билмай ҳикмат айтадилар. Умр оқар сувдир, деган ҳикмат донишманднинг эмас, халқнинг сўзидир. Бу ҳодисада донишманд ҳам авомға ўхшаб умрнинг сувдай оқишини кўради дейишинг хато, чунки бу ерда сув – донишманднинг ўзидир” [2;146]. “Кўр киши” ҳикоясидаги қаҳрамон (кўр киши) Озодға шундай дейди: “У бир бекнинг наъматаги эди, – деди кўр, – ҳалиям чайқалиб турган бўлса керак, ўша ёққа

ўтиб қолсанг, хабар олиб кўярсан. Айтмоқчи, йўлингда бир мажнунтолни ҳам кўрасан, у оддий толлардан эмас, тинмай кўз ёши тўккани тўккан. Уларни дуо қилиб ўт, ҳар ҳолда савобга зор бўлсалар ажабмас” [2;146]. Агар китобхон эътибор қилмаса, ёзувчи бу ерда ишора қилаётган ижодкорларни пайқамаслиги мумкин. Чайқалиб турган наъматак аслида Ойбекдан, тинмай кўз ёши тўкаётган мажнунтол эса Миртемирдан дарак беради. Шу тариқа йўл давомида Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб сиймоларини, А.Орипов, Э.Воҳидов, Ш.Раҳмон, М.Юсуф ва яна кўплаб ижодкорлар мисраларини ва улар англаган маъноларни китобхон онги шуурига сингдиради. Асар сўнгида ҳам Озод англаб етган ҳақиқатлар эътирофи қумга кўмилиб ётган кўза тилидан куйидаги тарзда ифода этилади: “Илоҳи, акрам ул-акрамин – Сен, ва гуноҳкор – мен. Илоҳи, агарчи журму исёндин ўзга ишим йўқ, аммо Сендин ўзга ҳам кишим йўқ... Илоҳи, чун ҳар не қилилур Сенга тақдирдур, қилғучиға қилмоқта не тадбирдур... Илоҳи, қаламимға ҳамдинг рақамиға машғуллик бер ва рақамимға халойиқ кўнглига мақбуллик бер...”[2;146]. Ёзувчи айтмоқчи бўлган ҳикмат сўзларини Навоий тилидан айтади ва бунинг натижасида асарнинг ўзига хос таъсирчанлиги ва жозибасини янада оширади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўзига хос мазмун ва шаклга эга бўлган мазкур роман нафақат муаллиф ижодига, балки замонавий ўзбек насрига ҳам янгича услуб, янгича оҳанг, янгича руҳни олиб кирди. Ҳаётнинг бош мезони саналмиш маънавий камолот сари дадил қадам ташлашга ундовчи бу асар инсоннинг руҳияти ва тафаккуридаги ғалаёнларни тарбиялайди, адабиёт ихлосмандларининг эстетик тафаккурининг ўстиради, айниқса ёш авлодни миллий маънавиятимиз руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

- 1.Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон.
2. Исажон Султон. Озод. – Т.: Янги аср авлоди. 2018.
- 3.Қуроноов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Навоий университети. 2018.